

Фикҳ дарслари (109-дарс). Ортган сувнинг ҳукми



13:05 / 05.11.2020 4096

???????? ?????????????? ?????????????? ??????????

?????????????: ??????????. ?????????????? ??????????????????:

??????. ?????????????????? ?????????????????????

????????????????????? ?????????????? ?????????????? ??????????????????

?????????????????: ??????????????. ?????????????????????? ??????????????????:

?????????????. ?????????????????? ?????? ?????????????????????? ??????

????????? ?????????????????? ?????????????????????? ??????????????????????

Одамдан, отдан ва ҳар бир гўштини еб бўладигандан ортиб қолган сув покдир.

Йиртқич ҳайвонларники нажасдир.

Мушук, қўйиб юборилган товуқ, йиртқич қушлар ва уйлардан маскан оладиган сичқон, калтакесак каби ҳайвонларники макруҳдир.

Эшак ва хачирники шаклидир. (Таҳорат олувчи) ундан бошқасини топа олмаса, ундан таҳорат қилиб, кейин таяммум ҳам қилади.

Тер ҳам ортган сувга ўхшайди.

Бу жумлаларда бир тоифа жонзотлар теккан сувдан покланиш учун ишлатса бўладими, йўқми – шу ҳақда сўз кетмоқда. Уларнинг ичида поки ҳам, нажаси ҳам, макруҳи ҳам, шаклиси ҳам бор.

1. Одамдан, отдан ва ҳар бир гўштини еб бўладигандан ортиб қолган сув покдир.

Бу ерда «одамдан» дейилиши номики одам бўлса, ундан қолган сув пок бўлишини англатади. Одам мўминми, кофирми, хотинми, эркакми, каттами, кичикми, жунубми, ҳайз кўрганми – фарқи йўқ. Фақат ароқ ичган бўлмаса бўлди. Агар ароқ ичган бўлса, оғзи нажас бўлгани учун унинг оғзидаги ва оғзи теккан нарсалар ҳам нажас бўлади. У оғзидаги нажосатни кетказиш учун уни ювиши, сув ичиши ёки тупугини уч марта ютиши лозим.

Одамнинг поклиги ҳақидаги далиллар:

???? ????? ????????????? ??????? ?????? ??????? ??????:

???????????? ?????????? ??????? ??? ?????? ?????? ?????

????????? ??? ?????????? ?????? ?????????? ??????????????????

????????? ?????????? ??????????????????????. ??????? ??????????????:

???????????????? ????????????????? ????????????????? ???????

????????? ??????????: «????????? ?????????? ??? ???????

?????????????????» ??????????: ?????????? ?????????? ??????????

???????????????? ?????? ?????????????????? ??????? ??????????

????????????????? ??????: «????????????????? ?????????? ???????

????????????????? ??? ??????????????» . ?????????? ??????????????????.

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир марта Мадинанинг йўлларида бирида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга йўлиқиб қолдилар. Мен жунуб эдим, ўзимни четга олдим».

Бошқа ривоятда:

«Билдирмай суғурилиб чиқдим. Бориб, ғусл қилиб келдим. Ул зот:

«Эй Абу Хурайра, қаерда эдинг?» дедилар. Мен:

«Жунуб эдим, сиз билан нопок ҳолимда ўтиришни ёқтирмадим», дедим. Ул зот:

«Субҳаналлоҳ! Муслмон нажас бўлмас», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

????? ????????????????? ?????????? ?????????? ?????????? ??????????:

????????? ????????????????? ?????????????????? ??????????

???? ?????????? ??????? ?????? ?????????? ??????????:

????? ?????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ??????????? ?????

????????????? ?????????? ??????? ?????????????? ?????????? ??????????

????????????? ?????????? ?????????????????? ?????????????? ???????

?????????????. ?????????? ?????????????? ?????????????? ???????????

?????????? ??????????? ??????????????????.

Оиша розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам тунда намоз ўқир эдилар. Мен ҳайзли ҳолда у зотнинг ёнларида бўлар эдим. Устимда бир мирт бўлиб, унинг бир томони у зотнинг устиларида бўлар эди».

Имом Муслим ривоят қилган.

Матнда отнинг алоҳида зикр қилиниши шубҳани кўтариш учундир. Чунки уламоларимиз орасида отнинг гўштини ейиш ҳалол деганлари ҳам, ҳаром деганлари ҳам бор. «Отнинг гўшти ҳаром», деганларнинг гапига биноан, ундан қолган сув ҳам пок бўлмаслиги керак, деган фикр келиши мумкин. Бунга мутлақо ўрин йўқ. Чунки «Отнинг гўштини ейиш ҳаром», деганлар унинг нажаслиги учун эмас, жиҳодга керак бўлиши учун шундай деганлар. Аслида отнинг гўшти поклигига ҳеч ким ихтилоф қилмаган.

Гўшти ҳалол қуш ва ҳайвонларнинг сўлаги ҳам пок. Чунки сўлак гўшtdан ҳосил бўлади. Бинобарин, улардан қолган сув ҳам пок бўлади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобидан